

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2016 йил 28ноябрь -3декабргача)**

№12

Тошкент – 2016

**Олий Мажлис Сенатида учрашув
Жорий йилнинг 2 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Сенатида мамлакатимизга ҳалқаро кузатувчи сифатида
ташриф буюрган бельгиялик фаҳрий сенатор Доминик Тилманс билан
учрашув бўлиб ўтди.**

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органларида парламентлараро ҳамкорлик гурухлари самарали фаолият юритаётгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ушбу ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, парламент аъзоларининг ўзаро ташрифлари йўлга қўйилган, ҳамкорликда учрашувлар, анжуманлар ҳамда давра сұхбатлари уюштирилмоқда. Бельгия парламенти аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ҳалқаро кузатувчилар сифатида қатнашмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва
уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга ташриф
буюрган Кувайт Ахборот вазирлиги давлат котибининг юридик
масалалар бўйича ёрдамчиси Хейла Хамад ал-Мекеими билан учрашув
бўлиб ўтди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси И. Абдуллаев ҳамда Ҳалқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси А. Бурхонов меҳмонга юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, демократик янгиланишлар ҳақида сўзлаб берди.

Сұхбат давомида мамлакатимизнинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида маълумот берилди. Парламентимиз қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, шунингдек, ҳалқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган парламентлараро ҳамкорлик ривожи ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва -эркинлаштириш бўйича ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, парламент ва сиёсий партиялар ўрнининг қонуний жиҳатдан -мустаҳкамлангани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланаётгани, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигига оид конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилаётгани ҳақида атрофлича фикр алмашилди. ОАВ фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилгани унинг тараққиётида муҳим омил бўлаётгани ҳам қайд этилди.

Муддатидан олдин овоз бериш давом этмоқда

Мамлакатимизда сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериши давом этмоқда.

Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 27 ноябрь куни ҳолатига кўра, 2 минг 764 нафар сайловчи бундай имкониятдан фойдаланган.

— Сайлов куни хизмат сафарида бўламан, — дейди Нукус шахридаги 16-сайлов участкасида рўйхатга олинган сайловчи Расул Ботиров. — Шу сабабли муддатидан олдин овоз бериш учун участка сайлов комиссиясига мурожаат этдим. Бунгача эса оммавий ахборот воситалари ва тарқатма материаллар орқали Ўзбекистон Республикаси -Президентлигига номзодларнинг сайловолди дастурлари билан танишиб чиққан эдим.

Сайловолди дастурида юртимиз истиқболи билан боғлиқ долзарб масалаларни илгари сурган номзод учун овоз бердим.

З-Бухоро сайлов округида 2 минг 913 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз берди. Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи Иззатулла Бойназаров — ана шундай фуқаролардан бири.

— Сайлов куни хизмат сафарида бўлишим сабабли 26-сайлов участкасида ариза билан мурожаат қилдим, — дейди у. — Участка сайлов комиссияси томонидан берилган сайлов варақасини тўлдириб, ёпиқ конвертда қолдирдим. Ўзим танлаган номзодга овоз бериш орқали Ватанимиз тинчлиги ва барқарорлиги, эл-юртимиз равнақи ҳамда фаровонлиги учун овоз бердим, деб ҳисоблайман.

Қашқадарё вилоятида ҳам муддатидан олдин овоз бериш давом этмоқда. 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси маълумотларига кўра, вилоятда 2 минг 240 сайловчи муддатидан олдин овоз берган. Жумладан, Қарши шахридаги 10-сайлов участкасида рўйхатга олинган сайловчиларнинг 7 нафари шу ҳақдаги ариза билан мурожаат қилди. Уларга муддатидан олдин овоз бериш тартиб-таомиллари атрофлича тушунтирилди, айни чоғда ўз конституциявий ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур имконият яратиб берилди.

— Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчидан сайлов кунида яшаш жойида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза талаб қилинади, — дейди ушбу участка сайлов комиссияси раиси Ратьно Примова. — Ана шундай ариза билан мурожаат этган фуқароларга участка сайлов комиссиясининг камидаги икки нафар аъзоси иштироқида сайлов варақалари берилди. Варақалар сайловчилар томонидан махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида тўлдирилгач, ёпиқ конвертга солиниб, участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзоси ва сайловчи имзоси қўйилган ҳолда, участка сайлов комиссиясига топ-ширилаётир. 4 декабрь куни овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертларни қутиларга ташлаймиз.

— Касб тақозосига кўра, тез-тез сафарларда бўламан, — дейди сайловчи

Рахим Нуруллаев. — Сайлов куни Бухорода бўлар эканман. Шу боис муддатидан олдин овоз бердим. Сайловчилар учун яратилган бундай қулайликлар қонунларимиз нақадар халқчил эканидан далолат беради. Фарғона вилоятидаги 980 та сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш юқори ташкилий савияда ўтмоқда. Сайловчи Аҳроржон Йигиталиев Боғдод туманидаги 295-сайлов участкасига келиб, ўзи муносиб деб билган номзод учун овоз берди.

— Тадбиркорман, 4 декабрь куни ҳамкорларим билан муҳим келишув юзасидан Жанубий Кореяда бўламан, — дейди у. — Шу боис муддатидан олдин овоз бериш тартиби ҳақида сайловга доир тарғибот материаллари орқали маълумот олдим. Ўзим яшайдиган худуддаги сайлов участкасига келиб, комиссия раисига ариза билан мурожаат қилдим. Бу ерда яратилган шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда, энг муносиб номзодни танладим. Таъкидлаш керакки, Фарғона вилояти бўйича 2 минг 277 фуқаро муддатидан олдин овоз берди. Энг муҳими, фуқаролар ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, юртимиз -тақдирига бефарқ эмасликларини намоён этмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, Президент сайлови ҳар бир юртдошимиз ҳаётига дахлдор воқеа бўлиб, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Зоро, ҳамюртларимиз сайловда иштирок этиш ва хоҳиш-иродасини билдириш билан мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилашда ўз сўзини айтиши зарурлигини теран англаб етмоқда.

Жорий йилнинг 27 ноябрь куни ҳолатига қўра, республикамиз бўйича жами 29 минг 305 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз берди.

Амударё устидан Ўзбекистон ва Туркманистонни боғловчи кўприклар бунёд этилади

2017 йил бошида Амударё устидан ўтувчи, Ўзбекистон ва Туркманистон транспорт магистралларини боғловчи автомобиль ва темир йўл кўприклари фойдаланишга киритилади.

Бу ҳақда Ашхабодда БМТ бошчилигида ўтаётган барқарор транспорт бўйича биринчи глобал анжуманди Туркманистон президенти Гурбангули Бердимухамедов айтиб ўтди, деб хабар берди Туркманистон давлат ахборот агентлиги.

Бердимухамедовнинг таъкидлашича, янги кўприклар минтақадаги энг иириклари бўлади ва икки давлат йўналишида транспорт оқимлари ҳаракатини анча тезлаштиради.

Ўзбекистон дори-дармон харид қилиш борасида Россияга мурожаат қилди

Ўзбекистон Россиядан дори-дармон етказишда кўмак сўради.

Ўзбекистон асосий дори-дармонларга эҳтиёж сезмоқда, бироқ валюта курсидаги муаммолар сабабли Россия фармацевтик компаниялари

Ўзбекистон бозорини эгаллашга ҳозирча тайёрмаслар, деб айтмоқдалар мутахассислар. Бу ҳақда "РБК" нашри хабар бермоқда.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг 2016 йил 10 ноябрдаги мактубида Россиядан дори-дармон ва тиббий буюмлар харид қилишда ёрдам кўрсатиш сўралган. Бу ҳақда ушбу мактубнинг нусхасига эга бўлган "РБК" нашри хабар бермоқда. Ушбу мактубга 167 та дори ва 22 та тиббий буюм номидан иборат рўйхат илова қилинган.

Мактубда вазирлик Россиянинг мутасадди идораларидан ушбу рўйхатни Россия фармацевтик компанияларига топширишни сўраган.

Тошкентнинг фикрича, Россия компаниялари бу сўровга жавоб қайтариб, дори-дармонлар бўйича ўз таклифларини тақдим қилишлари керак.

Ўзбекистон валюта конвертациясидаги муаммолар сабабли зарурӣ тиббий маҳсулотлар харид қилишда мураккабликларга дуч келгани туфайли шундай мактуб билан мурожаат қилган, деб тушунтирмоқда Россия фармацевтика ишлаб чиқарувчилари уюшмаси бош директори Виктор Дмитриев "РБК" нашрига.

Тошкентда 1 миллиард доллар эвазига бизнес маркази қурилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни Тошкент шахри сайловчилари билан учрашди. Номзоднинг учрашувдаги нутқи тўлиқ ҳолда «Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилган.

Шавкат Мирзиёев шаҳарни ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқилганини, унда асосий эътибор янги иш ўринлари яратиш ҳамда транспорт, уй-жой ва бизнес инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилишини маълум қилди.

Хусусан, 2017 йилда пойтахтнинг марказий туманларидан бирида 70 гектар майдонга тадбиркор ва банклар томонидан 1 миллиард доллар маблағ ажратиладиган «Тошкент Сити» бизнес маркази қурилиши бошланади.

«Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Зарқайнар маҳалласи кўчаларида дунёning бошқа кўплаб мамлакатларидағи каби, хусусий тадбиркорларнинг фаолияти ва миллий меъморчилик намуналари асосида “Эски Тошкент” номли тарихий-маданий ва дам олиш марказини ташкил этамиз.

Бу, бир томондан, шу худудда яшайдиган аҳоли учун ўз бизнесини ташкил қилишга ва янги иш ўринларини яратишга имкон беради. Иккинчи томондан, чет эллик меҳмонлар орасида бизнинг анъана ва урф-одатларимизни тарғиб этишга хизмат қилади.

Ушбу марказдаги объектларнинг қурилиши хусусий тадбиркорлар томонидан Миллий банкнинг имтиёзли кредитларини жалб қилган ҳолда молиялаштирилади.

Шунингдек, 2017 йилда биз тадбиркорлар ва тижорат банкларининг жами 1 миллиард долларгача бўлган маблағлари ҳисобига “Ўқчи Олмазор” массивида умумий майдони 70 гектар бўлган “Тошкент Сити” ишбилармонлик ҳудудини босқичма-босқич қурилишини бошлаймиз», деган Шавкат Мирзиёев.

Россия ва Ўзбекистон ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш шартномасини имзолади

Ўзбекистон мудофаа вазири, генерал-полковник Қобул Бердиев ва Россия Федерацияси мудофаа вазири, армия генерали Сергей Шойгу ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш шартномасини имзоладилар. Бундан ташқари, икки ҳарбий идоралар ўртасида 2017 йилга мўлжалланган режа ҳам вазирлар томонидан тасдиқланган, деб хабар қилмоқда Россия Федерацияси мудофаа вазирлиги.

"Бугун ушбу ҳужжатнинг имзоланиши сизнинг мамлакатингиз Қуролли кучларини жиҳозлаш масалаларини зудлик билан ҳал этиш ва уларнинг жанговар салоҳиятини ошириш имконини беради. Шу билан бирга, мудофаа идораларимизнинг ҳамкорлигини фаоллаштириш ҳамда унга амалий тус беришга ҳаракат қилмоқдамиз", - деган Россия мудофаа вазири.

Унинг сўзларига кўра, бу биринчи галда, Россия ва Ўзбекистон ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшма анжуманлар, икки давлат Қуролли кучлари ҳарбий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ҳарбий-техник ҳамкорликка тегишлидир.

"Марказий Осиё минтақасига нисбатан бугунги кундаги мавжуд таҳдидлар ва чақириқлар, уларга барҳам бериш бўйича саъи-ҳаракатларни бирлаштиришга ундейди. Бизнинг мамлакатларимизга террорчи-жангариларнинг кириб келишига йўл қўймаслик муҳим масаладир", - деб таъкидлаган Сергей Шойгу.

Бундан ташқари, вазирнинг қўшимча қилишича, Ўзбекистон Қуролли кучларини 2020 йилгача Россиянинг замонавий қурол-аслаҳалари ва ҳарбий техникалари билан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш дастури ҳам амалга оширилади.

Владимир Путин Ўзбекистон билан ҳарбий-техник ҳамкорлик бўйича келишувни маъқуллади

Россия президенти Владимир Путин РФ ҳукуматининг Россия ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги келишувини маъқуллади. Бу ҳақда Россия қонунчилик хужжатлари сайтида эълон қилинганд.

"РФ ҳукуматининг Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича шартномани имзолаш бўйича таклифи қабул қилинсин", —дейилади хужжатда.

Томонлар шартнома доирасида ҳарбий мақсадларга хизмат қилувчи маҳсулотлар, жумладан ҳарбий техника, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини (хусусан, интеллектуал мулк ҳуқуқини тақдим этиш) етказиб бериши мумкин.

"Ростсельмаш" Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўяди

Россиянинг "Ростсельмаш" корхонаси Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштироқда. Россия компанияси Матбуот хизматининг хабарига кўра, "Ростсельмаш" ва "Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолаган.

Мазкур хужжат доирасида томонлар ўзаро манфаатли ва узок муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштироқда. Ана шу мақсадда, "Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" акциядорлик жамияти худудида "Ростсельмаш" корхонасининг маҳсулотлари йиғилади.

Маълумотларга кўра, "Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" акциядорлик жамияти Бош директори Асадулла Сайдуллаев Ростов-Дон шаҳрига ташриф буюриб, "Ростсельмаш" корхонасининг ишлаб чиқариш қувватлари ва маҳсулотлари билан яқиндан танишиб келган.

Ижтимоий тармоқда «Тошкент Сити» макети пайдо бўлди

Ижтимоий тармоқларда, хусусан твиттер ва фейсбуқда 2017 йилда Тошкент шаҳрининг «Ўқчи Олмазор» массивида қурилиши бошланадиган «Тошкент Сити» бизнес маркази лойиҳаси макети сурати пайдо бўлди.

Тармоқлар фойдаланувчилари бу макетга ўз баҳоларини бериб боришишмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 24 ноябрь куни Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни Тошкент шахри сайловчилари билан учрашувида 2017 йилда пойтахтнинг марказий туманларидан бирида 70 гектар майдонга тадбиркор ва банклар томонидан 1 миллиард доллар маблағ ажратиладиган «Тошкент Сити» бизнес маркази қурилиши бошланиши ҳақида маълум қилганди.

БССТ: 14 млн.дан ортиқ киши ОИВ билан касалланганини билмайди.

Дунё бўйлаб 14 млн.дан зиёд киши ОИВ инфекцияси билан касалланганини билмайди.

Бу ҳақда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) ОИВни аниқлаш бўйича ўзини-ўзи тестдан ўтказиш борасида янги қўлланма чоп этилиши муносабати билан маълум қилди.

Айни дамда антиретровирусли терапияни (АРТ) “ОИВ билан касалланган 18 млн.дан ортиқ киши олади ва айнан шунча одам даволаниш имконига эга эмас”, дейилади БССТнинг Женевада матбуотга мўлжалланган хабарида. Унда таъкидланишича, “айни кунда ОИВ бўлган барча инсонларнинг 40 фоизи ўз ҳолатидан хабардор эмас”. 2005 йилдан 2015 йилга қадар ОИВ билан касалланганидан хабардор кишилар сони 12 дан 60 фоизга қадар ошган бўлиб, хаста инсонларнинг 80 фоиздан ортиқроғи АРТни олади.

БССТ ОИВга ўзини-ўзи тестдан ўтказиш ускуналарини бепул тарқатишни қўллаб-қувватлади. У кишиларга уй шароитида ўз ҳолатини 20 дақиқа ичидаги билиш имконини беради.

Оқ уй Кастро дафн маросимига расмий делегация юбориласлигини маълум қилди

АҚШ президенти Барак Обама Кубанинг собиқ етакчиси Фидель Кастро дафн маросимига расмий делегация жўнатмайди. Бу ҳақда Оқ уй матбуот котиби Жош Эрнест маълум қилди, деб хабар бермоқда Reuters ахборот агентлиги.

Маълум қилинишича, АҚШдан маросимда АҚШнинг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Бен Родс ҳамда АҚШнинг Кубадаги вақтинчалик ишончли вакили Жеффри Диляурентис иштирок этади. Бироқ АҚШ уларни расмий делегация деб атамаган. Эслатиб ўтамиз, командантенинг дафн маросими 4 декабрда бўлиб ўтади.

